

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-НИЛ ЧИҚИШИ

№ 219 (1223)

4 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1958 ЙИЛ

БАХОСИ 20 ТИЯНН

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллиги муносабати билан КПСС Марка зий Комитети Қақриқларидан)

Совет халқининг буюк илҳомбахш ва раҳбар кучи

Коммунизмнинг нури чўққилари сари гоҳида суратда олға бораётган қаҳрамон совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигини байрам қилишга тайёралик қилимоқда. Улуғ айём кунларида, байрам арафасида жонажон Коммунистик партияни раҳбарлигида болса, қилинган ишларни яқинлаштириш ва янги режалар тузиб олиш халқимизнинг ажойиб традицияларидан бири бўлган. Ана шундай тантанали кунларда биз энг яхши юрак сўзларимизни жонажон партияимизга бағишлаймиз, бутун фикри-зиқиримизни, ҳис ва туйғуларимизни ана шу партияга қаратамиз.

Партия! Бу олий сўзга дунёда маъно ва мазоқ бор. Бу сўз улуғ Ленин туган, тарбиялаган ва чинқилтирган Коммунистик партияни асослади, унинг улуғворлигини ифода қилади. Коммунистик партия совет халқи барча галабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, совет жамаиятининг раҳбар ва отаки кучидир.

Коммунистик партия Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва йўлбошчиси бўлиди, ўз генисининг буюк куратини Октябрь революциясининг шонли галабасини таъминлашга қаратади. Бутун жаҳон тарихида янги давр — пролетар революциялар даврини, капитализмни алдариш ва коммунизм куриш даврини бошлаб берган бу революция капиталистлар ва помещиклар доминиатини йиқитиб, пролетар диктатурасини ўрнатди, дунёда биринчи Совет давлатини барпо этди. Мана 41 йилдирки, Коммунистик партия раҳбарлик қилиб келаётган Совет давлати устида Октябрнинг гоҳида бағирон мағрурона қилираб турибди, бу байроқ тинчлик, озолик ва коммунизм порлоқ галабасининг символ сифатида бутун дунё меҳнаткашларига буюк йўли — бахт-саолат йўлини кўрсатиб турибди.

Инсоният тарихида янги дунё капитализмнинг ҳалокати ва коммунизмнинг тантанаси даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин!

— Яшасин марксизм-ленинизм — Улуғ Октябр социалистик революциясининг гоҳида байроғи!

СССР халқларининг Улуғ Октябр социалистик революциясида қозongan одамшумул-тарихий галабасидан тортиб то ҳозирга кунгача кўлга қиритган барча муваффақиятлари Коммунистик партиянинг мухтаб номи билан чамбарчас боғланган. Совет халқи партияимизга қўрқатган йўлдан бериб, Россияда қолқ ва атроп мамлакатни тарихий жиҳатдан гоҳи яқин музлат ичиди янги индустриал мамлакатга, қишлоқ хўжалиғи мислоси тараккият этган, социалистик маданияти гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантирди. Энциклопедия ва маданият тинчлик, демократия ва социализм лаврига бошқилик қилаётган, инсониятга порлоқ нестибол йўлини машааллеқ ериктиб турган кураччи давлатга айланди.

— Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъиси, тинчлик ва социализм талқини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Коммунистик партия тарихида биринчи бўлиб миллий зулм қишанларини парчалаб ташлади ва Ленинча миллий сиебати, халқлар озолигини, тенг ҳуқуқлиғи ва дўстлиғи сиебатини амалга оширди, илгари эзилди келган халқларнинг иқтисодий ва маданият қолқонини тугатди, Ватанимиздаги барча миллатларни СССР халқларининг ягона

Пискент райони сўнгги ўнқунликда давлатга 23,62 процент пахта топшириб, областда биринчилиқни олди

Пахтакор ўртоқлар! Пискентлик пахтакорлардан ўрнақ олиб, суръатни янада оширингиз!

ПЛАННИ БАЖАРГАН БРИГАДА БОШЛИҚЛАРИ



Пискент райониди қолқозлар, «Пискент» совхозининг ишчилари Улуғ Октябр революциясининг 41 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Илғор бригадалар, звенолар ва бригадаларнинг илгари бажардилар. Суратларда: «Пискент» совхозини 6-бўлими 8-бригадасининг бошлиғи ўртоқ Н. Навобов. 2. Сталин номи қолқозининг бригада бошлиғи ўртоқ С. Ортиқбоев. Улар бошқилиқ қилаётган бригада аъзолари дастлабки кунларда оқ йилми-терим ишларини уюшқоққил билан ташқил этди, планини муздатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу бригадаларнинг аъзолари шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

В. Салов фотолари.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Table with 3 columns: Районлар, Маъсум бошқилар берди, Ўнқунлик ўнқун. Lists districts like Бўстонлик, Куйи Чирчиқ, Бобўт, etc.

БРИГАДИР ҚИЗ

Биз хирмонга етиб келганимизда кўн пешиндан оққан эди. Бу ерда пахта қолқовчи бир мўйсабид ва табелчиндан бўлак ҳеч ким йўқ. — Бригадир қаерда? — сўрадик биз улар билан танишиб олгач. — У анови сойликда пахта терияти, — қўли билан бизнинг ён томонимизга беёне пахтазорга ишора қилиб жавоб берди табелчи ва тароли устиди кўйилган катта қанордаги пахтаи тортишга тутинди. Биз жуда кўп қолқоз ва совхозларда бўлганимиз. Кўпайиб бригадаларнинг иши билан танишиб, улар билан суҳбатлашганимиз. Бригадир деганимиз бизнинг кўз ўнгимизда баъзан хирмон атрофларида айланиб юрадиган ёки бўлмас от устиди туриб қолқочиларга «Эни қил, буни қил» деб буйруқ бериб турадиган кишилар намоен бўлади. Шунинг учун табелчининг бригадир пахта терияти деб астойдил айтаган гапи бизни қизиқтирди. Катта қанордаги пахтаининг отини бойлаётган Охунжон ака буни фақллади шекилли, гап қотди.

— Бунга ажабланмасангиз ҳам бўлади, — биз томонга ўтирибди гапирди бошлиқ Охунжон ака. — Зарифа сиз ўйлаган бригадирлардан эмас, у жула азамат қиз. Терияда унинг ўнқунликдаги ўрнақ кўрсатиб ишлаштиради. Биз табелчи ўртоқ Нобой Умаров билан биргалиқда Зарифалар пахта териятган томонга йўл олдик. — Шу киши бизнинг бригадириники бўлади, — деди Нобой ака. Бизнинг олқимизда ўтган йилларда гектар ерда 28 центнердан ҳосил эштиртирган, машҳур теримчи Солат



Гулаҳмедова билан беллашиб мавсумда 25 тонна пахта терган эди, тайратан пахтакор қомсомол қиз Зарифа Ўбайдуллаева турар эди. Бу йил совхоз ишчилари уни бригадига бошлиқ қилиб тайинлашди. — Биз моҳир теримчининг ишини кўзга бошладик. У бир йўла тўрт-беш оғатни танлаб олиб теримга қирришар экан. Биз уни ишдан тўхтаб гап сўрашни ўзимизга эп бўлмадик ҳам қилиб туради. Сўнгра яна биргалиқда ишни давом эттиравезамиз. Шу пайт кўн отлик аравагина шалқиратиб Паравой келиб қолди. Биз табелчи билан биргалиқда Зарифанинг терган пахталарини аравага ортишга ёрдамлашдик. Бу вақтга кўн пешиндан оғиб, алламаҳал бўлиб қолган эди. Зарифанинг тугдан кейинги терган пахтаи араваининг арқимисига жойланди. Биз Зарифанинг ишини кузатиб қайтар эканмиз ҳақиқатан ҳам унинг кунита 200-300 килограммдан пахта тера олишига қаноат ҳосил қилдик ва бу чевар теримчининг янада катта муваффақиятларга эришини истайлик. «Пискент» совхозини 1-бўлимининг ўртоқ Зарифа Ўбайдуллаева бошлиқ қомсомол-ёшлар бригадаси аъзолари қўлга қиритган ютуқлар, айниқса қўвноқиларидир. Бу бригаданинг 45 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари йил бошида шу ерларнинг ҳар гектаридан камиди 40 центнердан пахта топшириш юзасидан социалистик мажбуриятга қўл қўйган эдилар. Улар бу мажбуриятини амалга бажарилиши учун курашиб, чингит экишдан тортиб гўза парваришигача бўлган ишларининг ҳаммасини ўз вақтида сифатли ўтказиш учун курашдилар. Давраларда мўлжаллагилан оптик ҳосил тўпланди. Бригада аъзолари теримга пахта тайергарлик билан киришдилар. Дастлабки кунлардан бошлаб оқшоққил билан меҳнат қилдилар ва йиллик планини совхозда биринчилар қатори бажардилар. — Зарифа Пискентиники кўн минг килограммчи илғор теримчилардан ҳисобланган. Ҳозирга қадар у хирмонга 12 тоннадан оптик пахта топширди. Унинг дўгоналари ҳам бригадирдан ўрнақ олиб кўн сайин кўп пахта термоқдалар.

Илғор теримчилар

Пискент райони ўзининг кўн минг килограммчи чевар теримчилари билан машҳур. Суратларда: (юқоридан постра) 1. Жданов номи қолқозининг аъзоси Чинниҳон Ражабова. Ўртоқ Ражабова мавсумда камиди 15 тонна пахта теришга сўз берган эди, Чинниҳон ўз сўзининг устидан чиқин учун фидокорона меҳнат қилаёттир. У шу кунга қадар 12 тоннадан ошириб пахта терди. 2. «Гулистон» қолқозининг илғор теримчиси Мукаррам Мадамниҳон. Мукаррам мавсумда 15 тонна пахта териб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятини шароф билан бажариш учун курашяёттир. Кундалик нормасини 2-3 ҳиссага етказиб бажариб, теримда бошқаларга намуна бўлмоқда. В. Салов фотолари.

Тюпкочи Эшвой Тожимуродов

Атрофи баланз-паст ерларнинг қоқ ўртасиди кенг ва яхлит пахтазор. Картининг нариги чеккасида машинанинг енгил гуриллаган овози эшитилмоқда. Уни қорачанга келган, ёнғина йилит қайлаб боради. У аҳён-аҳёнда оранжиа ўтирилиб, тўтаси териб олганин пайкалга, сўнгра бункерга назар ташлаб кўяди. Меҳаник-ҳайдовчи шу тахлитда меҳнат қилиб, бункерни тўрт марта бўшатди. Демак, 1300 килограмм пахта тайёр...



Бу ерлар илгари бир умр бўш ва бефойда ётарди. Механизатор Эшвой Тожимуродов ерта баҳорда шу ерлардан 25 гектарини ўзлаштирди, сув чиқарди. Еш механизатор қолқоз правлениеига «менга кўп киши керак эмас, фақат сувчи ва битта ёрдамчи бўлса бас, машина билан ҳар қанча ишни ҳам бажара бўлади, бу ерлар бошқалардан кам ҳосил олмаймиз» деб берган вазъалигини устидан чиқин учун озмуна меҳнат қилмади. Правление Эшвойнинг итмосини қондирди, уни бригадига қилиб тайинлаганида қолқоз МТСдан зарур техникани сотиб олган бир пайт эди. МТСда 7 йил механизатор бўлиб ишлаган Эшвой қолқозга аъзо бўлиб кириши биланқоқ Тюпкоқ мезолида иш бошлади. Натияжа ёмон бўлмади. Бригада даладариди мўл ҳосилни еттиштирди. Тожимуродов бу ҳосилни асосан машина ёрдамида

териб олиб, планини муздатидан илгари бажарди. Лекин унинг даласиди даҳли ҳосил мўл. Тюпкоққоз гектаридан олинган ҳосилни 25 центнерга етказиш учун сўз бер

юриб, тўқилган пахталарни териб оқмоқдалар. Машинанинг бункери тўлиши билан уни қолаб, пунктга жузятмоқдалар. Ошпаз Норинисо Тожимуродовни ҳисобламатанда фидат тўрт киши янги ўзлаштирилган бўш ерлар шу кунгача 42,5 тоннага ақин «оқ олтин» йилит олди. Механизациядан кенг фойдаланиш туфайли кўл меҳнати кам сарфланди. Эшвой Тожимуродов бригадасида ана шу ҳосилни еттиштириш учун 1300 га яқин меҳнат кўни кетибди. Тахминий ҳисобларга қараганда бир меҳнат кунига 71 сўмдан ҳақ тўлашга тўғри келиди. Туш пайтада қолқоз агрономи ўртоқ Аҳмадали Абдуқодиров шу бригадига келиб қолди. У бу ердаги ишни кўриб завдатиди. — Ташаббусингга қойилми, меҳнатининг натижаси биларини кўнвонтирмоқда, — деди у Эшвойга. — правлениеда имаслаҳатлашдик. Келаси йил мана бу ерларни ҳам текислаймиз, ерининг 50 гектарга етказамиз, дурустем.

Эшвой худди шуни кутиб тургандай: — Жула кўнгидаги иш бўлариди, — деб минятдорчилик билдирди ва машинаини етчиллик билан бошқариб, пахтазорга кириб кетди.

Ф. УСМОНОВА, Пискент райониди Тельман номи қолқоз.

АЙТИНГ, КИМ ЭКАН?

Қизиб пахта терими, барча ҳосилни хушлаб, Уттиз мингчи илғорлар жадал суръатга бошлаб, Эркан-аёл, ёш-қари барабар олим ташлаб, Далага йўл олганда, панада ён бошлаб Қатнашмасдан теримга, юрган орсиз ним экан?

Бир оёқ билан Шуҳрат, чўлоқ Марҳамат терса, Хурмат кампир-ла бирга некса чол Раҳмат терса, Хушомадгўй Тоштемур гердайиб бекор юрса, Мажлис-маърақада гап бермай, томоғин керса, Хушомадгўйга ҳомий, бефориқ раҳбар ким экан?

Ишинг элга ёқмаса, деман зиён конисан, Пахтакорлар ичиди, дангаса, бевиндонисан, Қолқоз ерида яшаб, беном-у нишонисан, Халқ ичиди ёмон от қолдирган сур, сенимаси? Дог-нуқсонни ҳимоя қилган айтинг, ким экан?

Худобер ЛАТИПОВ.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликлари учун қуйидагилар област Хурмат тахтасига ёзилдилар:

Table with 3 columns: Районлар, Маъсум бошқилар берди, Ўнқунлик ўнқун. Lists districts like Бўстонлик, Куйи Чирчиқ, Бобўт, etc.

